

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.ТІВ.29.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

ИСМОИЛОВА ШОИРА ТОЛКУНОВНА

**ТЕМИР ТАНҚИСЛИГИ КАМҚОНЛИГИ ВА ПРЕЭКЛАМПСИЯ БИЛАН
КАСАЛЛАНГАН ҲОМИЛАДОРЛАРНИ ОЛИБ БОРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 - Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Исмоилова Шоира Толкуновна

Темир танқислиги камқонлиги ва преэклампсия билан оғриган
хониладорларни даволанишини такомиллаштириш.....3

Исмоилова Шоира Толкуновна

Совершенствование ведения беременных, страдающих железодефицитной
анемией и преэклампсией.....19

Ismoilova Shoira Tolkunovna

Improvement of management of pregnant women
suffering with iron deficiency anemia and preenclampsia.....35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....39

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.ТІВ.29.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

ИСМОИЛОВА ШОИРА ТОЛКУНОВНА

**ТЕМИР ТАНҚИСЛИГИ КАМҚОНЛИГИ ВА ПРЕЭКЛАМПСИЯ БИЛАН
КАСАЛЛАНГАН ҲОМИЛАДОРЛАРНИ ОЛИБ БОРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 - Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/ТІВ813 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Джаббарова Юлдуз Касимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Каримова Дэля Фахритдиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигини Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ кунлари тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В.Алимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н. Хаитов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Преэклампсия (ПЭ) ҳомиладорликнинг энг жиддий патологияларидан бири ҳисобланади. У 3% дан 24% гача ҳолларда учрайди ва камайишга мойиллиги йук. Перинатал ўлим ва касалланишнинг асосий сабаби бўлган ПЭ оналик ўлимининг сабаблари тузилмаси ичида барқарор 2-3-ўринни эгаллаб келмоқда. [Абдуллаева Н.К.,2014; Демченко О.Б., 2018]. ПЭ 6-12% соғлом ҳомиладорларда, 20-40% экстрагенитал патологияси бор ҳомиладорларда ривожланади [Ержан З.Е. ва ҳаммуаллиф., 2018]. Ҳомиладорларда учрайдиган барча соматик касалликлар орасида ПЭ кўпроқ даражада темир танқислиги камқонлиги (ТТК) мавжуд бўлганда ривожланади.

Бутун дунёда ҳомиладорликнинг ПЭ билан жиддий асоратланиш муаммоси бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу мураккаб патологияни таснифлаш, ташхис ва даволаш масалалари ЖССТ мутахассислари, экспертлари томонидан мунтазам равишда кўриб чиқилди. Сўнгги йилларда ПЭ нинг ривожланишидаги бошқа сабаб-оқибат омиллари билан бир қаторда, она-йўлдош-ҳомила тизимидаги иммунопатологик жараёнларнинг ўрни эътиборга олинмоқда. Кўплаб изланишларга қарамасдан, ҳозирги кунга қадар ПЭ нинг патогенези (пайдо бўлиш ва ривожланиш жараёни) охиригача аниқланмаган. Ушбу патология ривожланишининг олдини олиш имкониятлари ва унинг асоратлари жадал ўрганилмоқда. Шубҳасиз, ПЭ ривожланиш хавфи юқори бўлган ҳомиладор аёлларни эрта аниқлаш ва самарали профилактик чора-тадбирлар ўтказиш катта тиббий-ижтимоий аҳамиятга эга [Ходжаева З.С. ва ҳаммуаллиф., 2018]. Буларнинг ҳаммаси ўрганилаётган патологиянинг олдини олиш учун янги ёндашувларни излаш зарурлигини кўрсатади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ бешта устувор йўналиш бўйича мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янги босқичга кўтариш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, улар «... ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг қулайлиги ва сифатини ошириш, унинг бирламчи қисми, шошилинич ва тез иббий ёрдам тизимини, янада ислоҳ қилиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш...»га¹, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган. Афсуски, берилган муаммога бағишланган ишларнинг жуда кўплигига қарамай, ПЭ ва ТТК ҳомиладорлик ва туғруқ жараёни кечишига бир қатор номувофиқ (салбий) таъсир кўрсатиши, ҳомиланинг муддатидан олдин нобуд бўлиши, ҳомила-йўлдош етишмовчилиги, нормал жойлашган йўлдошнинг барвакт кўчиши (НЖЙБК) ва туғруқдан кейинги қон кетишлар [Narayan B., 2016], жарроҳлик амалиётларининг кўпайишига сабаб бўлиши аниқ бўлсада, бизнинг минтақамизда ҳомиладорликнинг ПЭ ва ТТК билан қўшма асоратланиш патогенези ва даволаш масалалари охиригача ҳал қилинмасдан қолмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги УП-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш стратегияси тўғрисидаги” қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ–4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кенгайтириш тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Соматик касаллиги мавжуд беморларни акушерлик ва перинатал асоратлар ривожлани юқори ҳавф гуруҳига киритилиши лозим, уларни ичида 36,4% ҳомиладорларда ПЭ ривожланишини муаллифлар таъкидлаб ўтишган [Асранкулова Д.Б. ва ҳаммуаллиф., 2017; Галина Т.В. ва ҳаммуаллиф., 2017; Саидова Ф.И., Тагиева И.И., 2017]. Физиологик кечаётган ҳомиладорликда иммуносупрессив Th-2 (IL-4, IL-10, TNF β) цитокинларнинг, доминантлик этиши, уларнинг хужайра иммунитет реакциясини тўхтатиб, плацентар (прогестерон, ХГ) синтезини рағбатлантириши, Th-1 нинг фаоллашуви эса мувозанатни бузилишига ва ҳомиладорликни тўхтатишига олиб келади. Шу боис, иммунологик ҳолат нактаи назардан ҳомиладорликни меърада кечиши «Th-2 феномени» деб каралади [Абдуллаева Н.К., 2014]. Ондаги иммун жавобни бузилиши ҳомила ва йўлдош учун ярималлогенликнинг ривожланиши ва ПЭ ривожланишида муҳим ўрин тутади [Венцковский Б.М., Венцковская И.Б., 2010; Сидорова И.С., Никитина Н.А., 2017; Grill S. et al., 2009]. Ота махсус (фетал) HLA-C-G полиморфизми ПЭ ривожланишида ҳавф гуруҳи бўлиб хисобланиши кўрсатиб ўтилган [Сухих Г.Т., Ванько Л.В, 2010; Larsen M.H. et al., 2010].

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу муаммолар доирасида тадқиқотчиларнинг аксарияти хужайравий иммунитет ҳолатини ўрганишган, цитокинга оид томони эса етарлича ўрганилмаган. Цитокинлар Th-1 ва Th-2 турларида турли хил индукторларга жавобан улар томонидан синтез қилинадиган цитокинлар профили билан фарқланадиган Т-ёрдамчилар фарқланишини (дифференциациясини) аниқлайди. Иммун тизимининг ҳолатини текшириш ҳамда тўқима ва хужайра босқичида ушбу жараёнларни тартибга солувчи механизмларни аниқлаш ҳомила анте- ва интранатал химоясининг рационал йўллари патогенетик асослаб беришга ва ҳамроҳ патология ҳолатидаги туғруқнинг асоратларини олдини олишга имкон яратиши мумкин.

Иммунологиянинг ривожланиши ва иммунитет тизимининг маркерларини аниқлашнинг янги усуллари пайдо бўлиши билан, шунингдек, текширилаётган патологиянинг ташхисга оид мезонларини клиник амалиётга жорий қилиш билан, далилларга асосланган тиббиётнинг халқаро тавсияларини² ҳисобга олган ҳолда ушбу муаммони ҳал қилиш учун янги тадқиқотларни ўтказишга объектив эҳтиёж мавжуд. Илмий-тиббий ва патентга оид ҳужжатларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бизда мавжуд бўлган адабиётларда камқонлик ва преэклампсия билан касалланган ҳомиладор аёлларда иммун тизимининг ҳолати тўғрисида тўлиқ маълумотар йўқ. Ўзбекистоннинг ҳомиладор аёлларида сурункали ТТК касаллиги асосида преэклампсия ривожланиш муаммосининг долзарблиги, етарлича очилмаганлиги, назарий ва амалий аҳамияти диссертация ишининг мавзусини танлаш, мақсади ва унинг вазифаларини белгилаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент Педиатрия Тиббиёт Институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида 01.980006703 рақамли давлат рўйхатига олинган “Аёлларда репродуктив саломатликни яхшилаш” илмий-тадқиқот ишлари тематик режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳомиладорда преэклампсиянинг профилактикасида темир танқислиги камқонлигини комплекс даволашда гормон терапияни қўлланилишини асослаш ва самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ТТК касаллигига чалинган ҳомиладор аёлларда преэклампсия ривожланишининг учраш сонини ва Фарғона вилоятидаги туғруқхона ва тиббий ёрдам бирламчи қисми маълумотларига кўра ҳомиладорлик ва туғруқлар натижасиларини аниқлаш;

преэклампсияси бўлган ҳомиладор аёлларда камқонлик табиатини аниқлаш учун феррокинетиканинг баъзи параметрларини исботлаш ва ўтказилаётган антианемик терапия натижаларини баҳолаш;

преэклампсияси бўлган темир танқислиги камқонлигидан азият чекаётган ҳомиладор аёллар қон зардобидида ва шундай патологияси бор туғруқдаги аёллар йўлдошининг децидуал тўқимасидаги цитокин ҳолатининг баъзи кўрсаткичларини исботлаш ва прогестерон терапия зарурлигини асослаб бериш;

ТТК ҳомиладорларда гормонал терапияни самарадорлигини, қон зардобидида прогестерон миқдорини динамикада (4-6, 25-28 ва 32-36 ҳафталикларда) қўлланиладиган терапияни даволашгача ва ундан кейин аниқлаб, ҳомиладорлик ва туғруқ кечиши натижалари буйича баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти. Фарғона марказий поликлиникаси, Фарғона ш. 6-сонли оилавий поликлиника ва Фарғона вилояти перинатал

²World Health Organization (WHO/NMH/NHD/MNM/11.1) Haemoglobin concentrations for the diagnosis of anaemia and assessment of severity. Vitamin and Mineral Nutrition Information System. Geneva, 2011. 1-6p. <http://www.who.int/vmnis/indicators/haemoglobin>. Centers for Disease Control and Prevention: Recommendations to prevent and control iron deficiency in the United States. MMWR Recomm Rep. 1998 Apr 3;47 (RR-3):1-29.

маркази(ФВПМ) назорати остидаги 402 та камқонликдан азият чекаётган ҳомиладор аёлларда преэклампсия билан касалланиш ҳолатларини аниқлаш бўйича ретроспектив таҳлилий тадқиқот ўтказилган ва Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасининг акушерлик бўлимида ва ФВПМдаги 107 нафар ҳомиладор аёллар проспектив текширувдан ўтказилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида вена қони ва зардоби феррокинетика, иммунологик ва гормонал таҳлиллар учун ҳамда йўлдош иммунологик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Умумклиник-лаборатор, иммунологик, гормонал, феррокинетикани аниқлаш ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳомиладорларда темир танқислиги камқонлигининг преэклампсия патогенезидаги ўрни илк бор эпидемиологик и иммунологик тадқиқотлар асосида тасдиқланган;

феррокинетикани текшириш натижалари преэклампсия кузатилган ва кузатилмаган ҳомиладор аёлларда камқонлик этиологиясини аниқлашга имкон берган, зардоб ферритинининг миқдорини ТТКда дифференциал диагностика маркери сифатида қўлланилган;

преэклампсия патогенезида ТТК касаллиги бўлган ҳомиладор аёлларда тизимли ва маҳаллий яллиғланиш цитокинларнинг (IL-1, IL-6, IL-8, TNF- α ва лактоферрин) ўрни илк бор аниқланган ва преэклампсияни профилактикаси учун ТТК касаллигида ҳомиладорликнинг эрта даврларидаёқ гестаген зарурлиги исботланган ва қўлланилган;

ТТК касаллигида илк бор ҳомиладорликнинг эрта босқичларида ва давомий кечишида оғир преэклампсия ривожланишини олдини олиш ҳамда она ва ҳомилада ҳомиладорликнинг муваффақиятли яқунланиши учун микронизацияланган прогестерондан фойдаланиш самарадорлиги тасдиқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳомиладор аёлларда темир танқислиги камқонлигини преэклампсия учун хавф омили деб клиник стандартлари ва протоколларига киритиш исботланган;

темир танқислиги камқонлигини дифференциал даволашнинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда ҳомиладорларда темир захираси миқдорини диагностикасида қон ферритинини аниқлашни акушерлик амалиётида кенг доирада қўллаш таклифи киритилган;

оғир преэклампсия ривожланишининг олдини олиш учун ҳомиладор аёлларда ТТК касаллигини асосий даволашнинг комплексига микронизацияланган прогестеронни киритиш таклиф қилинган ва патогенетик терапиянинг самарадорлиги кўрсатилган. Иккита услубий тавсиялар ишлаб чиқилган. Амалга оширилган тадқиқот натижалари республиканинг барча перинатал марказлари амалиётига киритилган. Тадқиқот натижаларини дипломдан кейинги таълимда (магистратура, клиник

ординатура, акушер-гинекологларнинг малакасини ошириш) ўқитиш жараёнида фойдаланиш таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги етарли миқдордаги беморлар сони билан, шунингдек клиник, лаборатор, биокимёвий, иммунологик, гормонал ва статистик тадқиқот усуллари билан фойдаланган ҳолда назарий ёндашув ва усуллари қўллаш билан тасдиқланади. Олинган тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган; чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳомиладор аёлларда анемия ва преэклампсиянинг сабаби, оғирлик даражасини баҳолашда халқаро ёндашувларни қўллашни, ТТК касаллигидаги тизимли ва маҳаллий иммунологик жавобнинг преэклампсия патогенезидаги ўрнини ойдинлаштириш ва преэклампсия ривожланишининг олдини олиш учун ҳомиладорликнинг эрта даврларидан бошлаб микронизацияланган прогестеронни қўллаш зарурлигини асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳомиладор аёл организмида захира темир (ферритин) таркибий миқдорини баҳолаш орқали ТТК касаллигини даволашда дифференциациялаштирилган ёндашувга асосланган. Ҳомиладор аёлларда преэклампсияни олдини олиш учун микронизацияланган прогестерондан фойдаланиш натижалари келтирилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳомиладор аёлларда ТТК касаллигини диагностика қилиш, даволашни оптималлаштириш ва преэклампсия профилактикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Камқонлик билан хасталанган ҳомиладор аёлларда преэклампсия патогенезидаги иммунологик бузилишлар ва уларни тузатиш йўллари» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғликни сақлаш вазирлигида 2018 йил 16 ноябрдаги №8 н-р/1307- сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма камқонлик билан хасталанган ҳомиладор аёлларда преэклампсия олдини олиш учун гормон терапиясини қўллашга имконини берган.

“Сурункали темир танқислиги камқонлигидан азият чекувчи ҳомиладор аёлларда преэклампсиянинг профилактикаси усуллари” номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғликни сақлаш вазирлигида 2019 йил 22 октябрдаги №8 н-р/440-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиялар ТТК касаллиги бор ҳомиладор аёлларни аниқлаш, уларда ПЭ ривожланишининг эрта профилактикасини, ҳамда она ва бола учун муваффақиятли натижани таъминлаш имконини яратган.

Олинган натижаларнинг амалиётда ТТКни дифференциал таъхислаш ва даволаш, преэклампсиянинг эрта профилактикасини қўллаш бўйича олинган илмий натижалар соғликни сақлаш тизимида, жумладан, Республика перинатал маркази, Фарғона вилоят перинатал маркази ва Андижон 1-шаҳар туғруқхонаси, Фарғона шаҳридаги 6-сонли оилавий поликлиника, Фарғона туманидаги кўп тармоқли марказий поликлиникаси клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғликни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 5 ноябрдаги 8н-

д/256-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар ҳомиладорларда ТТКни тасхислаш имкониятини оширган, оғир преэклампсия ва унинг асоратларини 90% камайтиган, она ва бола учун туғруқнинг ижобий яқунланишини таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича умумий ҳисобда 12 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 114бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва замон талабига жавоб бериши асослаб берилган; мақсад ва вазифалар, шунинг деб тадқиқотларнинг объекти ва предмети тавсифланган, илмий тадқиқот ЎЗР фан ва технологияларининг илғор йўналишларига мувофиқлаштирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалий тиббиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Преэклампсиянинг ривожланиши ва унинг камқонлик билан ҳамроҳлиги тўғрисидаги замонавий тасаввурлар”** деб номланган биринчи бобида преэклампсия патогенезига, ҳомиладорларда темир танқислиги камқонлиги ва унинг преэклампсия билан ҳамроҳликда келишига бағишланган назарий жиҳатлар таҳлил қилинган ва изланишлар тизимлаштирилган, шунингдек асоратланмаган ҳомиладорлик иммунобиологияси ва преэклампсия ривожланишининг иммунологик моҳияти ҳақидаги замонавий тасаввурлар тизимлаштирилган.

Диссертациянинг **“Клиник материалларнинг умумий тавсифлари, тадқиқотлар ва даволаш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида ўрганилаётган аёлларнинг клиник жиҳатлари, тадқиқотнинг босқичлари тавсифи билан ишланманинг услуби, шунингдек темир танқислиги камқонлиги билан касалланган 509 ҳомиладор аёлларда клиник-инструментал, лаборатор ва статистик тадқиқот ва қўлланилган даволаш усуллари келтирилган.

Илмий тадқиқот 2017 йилдан 2019 йилгача Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасининг акушерлик бўлими, Фарғона вилояти Марказий поликлиникаси, Фарғона шаҳридаги 6-сонли оилавий поликлиника, Фарғона вилояти перинатал маркази ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг (ФА) Иммунология ва инсон геномикаси институтида

бажарилди ва 2 босқичдан иборат эди. 1 босқич – бирламчи тиббий ёрдам қисми ва акушерлик стационари, ҳамда ФВПМ туғруқ бўлимининг (n=402) маълумотларига кўра ҳомиладорларнинг ретроспектив таҳлилини ўз ичига олганди: шаҳар ва қишлоқда истиқомат қилувчи поликлиникадаги умумий амалиёт шифокорида рўйхатда турадиган ҳомиладор аёллар орасида ТТК ва преэклампсия ривожланишининг учраш сонини аниқлаш учун; сўнг кейинги 2-босқичда биз проспектив кузатувни (n=107), ҳомиладорларда иммунологик ҳолатни ва камқонликнинг табиатини ўрганишни амалга оширдик, ва ТТК бўлган ҳомиладорларда ПЭнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган прогестеронтерапиянинг натижаларини баҳоладик. Барча ҳомиладор аёллар акушерлик шифохоналарида умумий қабул қилинган клиник ва лаборатор текширувдан ўтказилди. Лаборатория тадқиқот усуллари темир танқислиги жиҳатларини аниқлаш, цитокин ҳолати ва лактоферрин миқдори периферик қон зардобидаги ва йўлдошнинг децидуал қобиғидаги, қондаги прогестерон миқдорини аниқлашни ўз ичига олганди.

Қон зардобидаги темир миқдорини Hospitex Diagnostics "Mini screen" (Италия) апаратида “Темир-Витал” реактиви ёрдамида оксилсизлантормасдан (депротеинезацияламасдан) колометрик усул билан аниқлаган эдик. Қон зардобидаги ферритин миқдорини ИФТ усули ёрдамида “Бест” реактивини (Россия) ишлатган ҳолда “Human Single” (Германияда ишлаб чиқарилган) апаратда аниқлаган эдик. Қон зардобидаги темир кўрсаткичлари (темир ва ферритиннинг таркибий миқдори) 63 та камқонлиги бор ҳомиладор аёлларда антианемик (камқонликка қарши) даволанишдан олдин ва кейин ўрганилди.

Қон зардоби ва йўлдошнинг децидуал тўқимасидаги интерлейкинларни (IL): 1β, 6, 8, TNFα қаттиқ фазали иммунофермент таҳлили орқали аниқлаган эдик. Тест тўплам “Цитокин”дан (СПб, Россия) фойдаланилган. Лактоферрин даражасини икки сайтли қаттиқ фазали иммунофермент таҳлили орқали аниқлаган эдик. Ҳомиладорлар қонидаги прогестерон миқдорини ИФТ усули билан “Human” (Германия) тўплами ёрдамида «Human Single» (Германия) ускунасида аниқлаган эди.

Таркибида темир моддаси бор дори воситаси қўлланилган даво усуллари келтирилган: таркибида карбонил темир Fe⁺², фолий кислотаси, В₁₂ витамини, Е витамини, рух, селен бўлган комплекс дори воситаси (Карбовир) перорал қабул қилиш учун ва темир (III) гидроксидли сахароза мажмуини (Ировир-С) вена ичига юбориш учун, шунингдек, иммуносупрессор сифатида микронизированланган прогестерон (Утрожестан).

Олинган натижалар «Excel» амалий дастурлар пакети ёрдамида статистик жиҳатдан ишланди. Гуруҳларга ажратишнинг тўғрилиги аввалдан баҳолангандан кейин параметрик вариантларни қиёслаш хатолар эҳтимолини (p) ҳисобга олган ҳолда Стьюдент (t) мезони асосида ўтказилди.


Диссертациянинг **“Ҳомиладор аёлларда темир танқислиги камқонлиги преэклампсия ривожланишининг хавф омили сифатида”** деб номланган учинчи бобида ТТК бўлган ҳомиладор аёлларда преэклампсия ривожланишининг учраш сонини аниқлаш учун 194 нафар аёлларда

хомиладорлик ва туғишнинг кечиши клиник-статистик таҳлили ўтказилди, шу жумладан Фарғона туман кишлоғида умумий амалиёт шифокоридан рўйхатдан ўтганлар орасида (94) ва Фарғона ш. оилавий поликлиникада рўйхатда турган аёлларда (100). Бирламчи тиббий ёрдам маълумотларига кўра хомиладор аёллар асосан 20 ёшдан 29 ёшгача бўлганлардир – 82% ва 63%, кишлоқда истиқомат қилувчи хомиладор аёллар орасида биринчи мартта ва қайта туғадиганлар сони бир хил эди, шаҳарлик хомиладорлар орасида эса қайта туғадиганлар сони кўпроқ эди - 74%. Шунини таъкидлаш керакки, I триместрида рўйхатга олинган барча хомиладор аёлларнинг 100% да ТТК аниқланган. Олинган натижалар таҳлили шунини кўрсатдики, кишлоқ аёлларида ТТК энгил даражаси 69% ни ташкил қилди, шаҳарлик хомиладорларда эса кўпроқ ТТК ўрта даражаси ташхис қилинган – 73%, бу эса кишлоқ аёлларидан 2,4 марттага кўпроқ. Бу қайта хомиладор аёллар сони кўпроқ бўлганлиги билан боғлиқ бўлса керак, жумладан қон кетишни ўтказганлар (абортлар, туғруқ, кесар кесиш жарроҳлик) ва соматик патологияси бўлганлар (сурункали пиелонефрит – 22%). ТТК фонида хомиладорликнинг энг кўп учрайдиган асоратлари хомилани тушиш хавфи бўлган (49% дан 59% гача). Амбулатор шароитда ўтказилаётган камқонликни даволаш самарасиз, бу ҳақида туғруқдан олдинги маълумотлар далолат беради: барча хомиладор аёлларда ТТК сақланиб қолган ва деярли ижобий ўзгаришга эга эмас. Текширувдан ўтказилган 17 ва 18% аёлларда ПЭ ривожланган.

ФВПМ туғруқ жараёнига келаётганлар орасида ўрта оғир даражадаги ТТК кўпроқ эди (58,2%). Камқонлиги бор хомиладорларнинг 39,4%да ПЭ ташхисланган, асосан унинг оғир тури – 30,3%, бунда ўтказилган мукамал таҳлил шунини белгилашга имкон бердики, оғир ПЭ учраш сони камқонлик даражасининг оғирлашиши билан кўпаяди: шунда камқонликнинг энгил даражаси бўлганда, бу патология 16,7% хомиладорларда, ўрта даражадаги камқонликда - 33,1% (OR=2,5, RR=2) ва оғир даражадаги камқонлик бўлганда - 48,2% (OR=5,4, RR=2,8) хомиладорларда учрайди (расм 1). Ҳамроҳ патологияга хос бўлган асорат бўлиб муддатидан олдин туғруқ (57,7%) ва кесарево жарроҳлик амалиётининг фоизи юқорилиги (36,6%) бўлди. Шундай қилиб олинган натижалар хомиладор аёлларда ТТК касаллиги уни оғир преэклампсия ва унинг асоратларининг хавф омилига киритилишига имкон берди, шунинг учун хомиладорликнинг ҳамроҳ асоратлари ривожланишининг сабабларини аниқлаш ва патогенетик олдини олиш йўлини топиш кейинги изланишлар олиб боришнинг шарти бўлди.

Диссертациянинг Ҳомиладорлигининг темир танқислиги камқонлиги ва преэклампсия билан ҳамроҳ асоратланишида феррокинетик кўрсаткичлар ва цитокин ҳолати хусусиятлари. ТТК бўлган хомиладор аёлларда преэклампсия ва унинг асоратларини олдини олиш учун иммуносупрессив терапиянинг самарадорлиги” деб номланган тўртинчи бобда 4 гуруҳга бўлинган 63 нафар хомиладор ТТК бўлган аёлларнинг қон, зардоб ва захира темир кўрсаткичлари жиҳатлари келтирилган. 1-гуруҳни энгил даражадаги камқонлиги бўлган 16та хомиладорлар ташкил қилди, 2-ни - ўрта даражадаги камқонлиги бор 16та аёл, 3-ни – 19та ўрта оғир даражадаги

камқонлиги ва ПЭ бўлган ҳомиладорлар ва 4-гуруҳни 12 нафар камқонлиги яллиғланиш асосидаги соматик касаллик (сурункали пиелонефрит ва ЎРИ) билан ҳамроҳ келган ҳомиладорлар ташкил қилди. 1-гуруҳдаги ҳомиладорлар камқонликнинг енгил даражасида Карбовир қабул қилишган, қолган 3та гуруҳдагилар эса – Ировир-С.



Расм 1. Стационарда преэклампсия учраш сони

Маълумотларга кўра (1-жадвал) анемияга қарши даволанишдан сўнг барча даво ўтказилган гуруҳларда Нв даражаси 3,6-6,5 г/л га, қизил қон таначалари $0,15-0,25 \times 10^{12}$ ва рангли кўрсаткич 0,07-0,06 га ошган. Шунингдек, даволаниш динамикасида зардоб темирининг кўпайиши қайд этилганди. Аммо, қондаги ферритиннинг миқдори кўпроқ маълумотли аҳамиятга эга. Биздаги маълумотларга кўра, дастлабки учта гуруҳда ферритин даражаси паст бўлган, бу текширилган ҳомиладорларда анемиянинг темир танқислилигига хослигини кўрсатган.

Даволаш жараёнида қон зардобидида темирнинг 2,6-3,3-4,1 мкмол/л га кўпайиши қайд этилади, бироқ барча гуруҳлар беморларининг қонидаги ферритин даражаси бироз пасайиши шифохонадан чиққандан кейин ҳам темир моддаси дори воситаларини қабул қилишни давом эттириш зарурлигини кўрсатди. Шундай қилиб, натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳамма текширувдан ўтказилган ҳомиладорларда камқонлик темир танқислиги билан боғлиқ бўлган. Даво турини тўғри танлаш, дифференциал ташхислаш ва яллиғланиш асосидаги темир танқислигини аниқлаш учун ҳомиладорларнинг қон зардобидидаги ферритин миқдорини аниқлаш кўпроқ маълумот беради. Темир моддаси дори воситаларини қабул қилиш ўрганилган кўрсаткичларга ижобий таъсир кўрсатади: таркибида карбонил темир Fe^{+2} , фолий кислотаси, витамин B_{12} , витамин Е, рух, селен бўлган комплекс дори воситаси (Кабовир) бир кеча-кундузда гемоглобин миқдорини 0,51 г/л га оширади, темир миқдорини эса 0,47 мкмол/л га. Темир (III) гидроксидли сахароза комплексини (Ировир-С) парентерал юбориш гемоглобиннинг суткалик концентрациясини 1,3 г/л га ва қон зардобидидаги темир миқдорини 0,62 мкмол/л га оширади.


Камқонлик ва преэклампсия билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг қон ва феррокинетиқаси кўрсаткичлари

Ҳомиладорлар гуруҳлари, беморлар сони		Енгил даражадаги камқонлик, n= 16	Ўрта оғир камқонлик, n=16	Ўрта оғир камқонлик ва преэклампсия, n=19	Анемия ва яллиғланиш асосидаги ЭГК, n=12
Гемоглобин, г/л	Даводан олдин	94,6±1,1	84,1±1,4	83,3±2,2	90,2±2,9
	Даводан сўнг	98,2±1,4	91,4±1,1*	89,6±2,1*	95,3±2,6
Эритроцитлар сони, x10 ¹²	Даводан олдин	3,16±0,05	3,18±0,06	3,0±0,08	3,13±0,02
	Даводан сўнг	3,41±0,01*	3,33±0,06*	3,25±0,07*	3,31±0,06*
Рангли кўрсаткич	Даводан олдин	0,79±0,07	0,78±0,01	0,73±0,004	0,79±0,06
	Даводан сўнг	0,86±0,02	0,84±0,05	0,79±0,01*	0,86±0,02
Қон зардобидаги умумий оксил, г/л	Даводан олдин	59,1±0,9	60,6±0,8	58,9±0,9	60,8±0,6
	Даводан сўнг	61,1±0,85	61,0±0,77	59,9±1,05	61,6±1,0
С-реактивли оксил	Даводан олдин	11,6±5,9	31,1±10,8	12,0±3,2	28,7±10,7
	Даводан сўнг	13,9± 6,2	19,1±5,1	6,6± 0,5	20,5± 8,8
Қон зардобидаги темир, мкмоль/л	Даво-дан олдин	15,3±1,8	14,3±0,9	16,0±1,2	20,9±2,0
	Даводан сўнг	18,6±1,4	17,4±1,2*	18,6±1,8	25,0±2,2
Қон зардобидаги ферритин, нг/мл	Даводан олдин	12,1± 1,5	11,9± 1,5	16,2± 1,5	40,2± 4,3
	Даводан сўнг	12,1±1,5	11,9±1,5	16,2±1,5	40,2±4,3

Эслатма: *- p<0,05 фарқ аналогик кўрсаткичнинг даволашдан олдингисига нисбатан аниқ

Соматик патология мавжуд бўлганда, кўрсаткич 30 нг/л дан ошиқ эди, бу организмда яллиғланиш жараёни мавжудлигини ва даволаш жараёнига рЭПО (рекомбинант эритропоэтин) қўшиш муҳимлигини кўрсатди [Репина М. А, Бобров С. А., 2010]. Ҳомиладор аёлларнинг ушбу гуруҳи кейинги тадқиқот ишларидан чиқариб ташланди.

ТТКда иммунологик бузилишларнинг ПЭ келиб чиқишидаги ўрнини аниқлаш учун биз ТТК ва ПЭ бўлган ҳомиладор аёлларнинг қон зардоби ва йўлдошининг децидуал тўқимасидаги цитокин ҳолатини ўргандик. Барча теширилган беморларда децидуал тўқимада ИЛ - 1β даражаси қон зардобидога нисбатан қараганда аниқ 1,2-1,9 мартта юқори эди (p < 0,05) (расм 2 а).



*- p<0,05 - фарқ қон зардобидога кўрсаткичга нисбатан катта аҳамиятга эга; [^]-p<0,05 – фарқ аввалдаги гуруҳ кўрсаткичига нисбатан катта аҳамиятга эга

Расм. 2. Қон зардоби ва йўлдошнинг децидуал тўқимасидаги (ДТ) цитокинлар ва лактоферриннинг даражалари; а - ИЛ-1β; б - ИЛ-6; в - ИЛ-8; г - Лактоферрин

Бундан ташқари, ушбу ўзгаришлар максимал даражада (1,9 мартта) ўрта оғирликдаги ТТК асосида ПЭ бўлган аёлларда белгиланган (p < 0,05).

Камқонлик даражаси ортиб бориши билан ИЛ – 6 миқдори сезиларли даражада ортган эди ва ПЭ билан ҳамроҳ келган ҳолда ўртача 2 марттага назорат кўрсаткичидан юқори эди (расм. 2 б). Назорат қийматлари ва тизимли қийматга нисбатан ИЛ-6 нинг энг юқори кўрсаткичлари йўлдошнинг децидуал

тўқимасида қайд қилинган, бу патологиянинг оғирлик даражаси билан боғлиқ ёрқин маҳаллий яллиғланиш жараёни билвосита кўрсатади.

IL-1 β ва IL-8 ларнинг кўпайиши тўғрисидаги олинган маълумотлар яллиғланиш жараёни фаоллигини акс эттирувчи ҳисобланади. TNF- α концентрациясининг шу каби ўзгаришлари текширувдан ўтган барча гуруҳ беморларнинг қон зардобиди ва йўлдош намуналарида кузатилган. Презкламписия бўлган йўлдош намуналарида TNF- α даражаси назорат гуруҳига қараганда 1,4 баравар юқори эди.

Бундан ташқари, ушбу ўзгаришлар максимал даражада (1,9 мартта) ўрта оғирликдаги ТТК асосида ПЭ бўлган аёлларда белгиланган ($p < 0,05$).

Камқонлик даражаси ортиб бориши билан IL – 6 миқдори сезиларли даражада ортган эди ва ПЭ билан ҳамроҳ келган ҳолда ўртача 2 марттага назорат кўрсаткичидан юқори эди. Назорат қийматлари ва тизимли қийматга нисбатан IL-6 нинг энг юқори кўрсаткичлари йўлдошнинг децидуал тўқимасида қайд қилинган, бу патологиянинг оғирлик даражаси билан боғлиқ ёрқин маҳаллий яллиғланиш жараёни билвосита кўрсатади.

IL-1 β ва IL-8 ларнинг кўпайиши тўғрисидаги олинган маълумотлар яллиғланиш жараёни фаоллигини акс эттирувчи ҳисобланади (расм. 2в). TNF - α концентрациясининг шу каби ўзгаришлари текширувдан ўтган барча гуруҳ беморларнинг қон зардобиди ва йўлдош намуналарида кузатилган.

Презкламписия бўлган йўлдош намуналарида TNF - α даражаси назорат гуруҳига қараганда 1,4 баравар юқори эди.

Камқонлик оғирлик даражаси ошиши билан ПЭ да лактоферрин концентрациясининг ортиши кузатилганди (расм. 2г): қон зардобидидаги концентрация ПЭ бўлмаган аёллардан 1,5 баравар кўпроқ эди ва ТТК ўрта оғир даражаси асосидаги ПЭ да 1,7 мартта юқори эди, йўлдошнинг децидуал тўқимасидаги унинг маҳаллий даражаси норматив кўрсаткичлардан аниқ 1,8 ва 1,9 мартта юқори бўлганди ($p < 0,05$).

Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ТТК ва ПЭ бўлган ҳомиладорларда яллиғланишга қарши цитокинларнинг бутун тизмаси ишга туширилади, уларнинг юқори концентрацияси патологик жараённинг фаоллиги ва оғирлик даражасини акс эттирувчи ноижобий омилдир.

Биз томондан олинган тадқиқот натижалари шуни таъкидлашга имкон берадики, лимфоцитларнинг периферик Th1 клонларининг фаоллиги ошиши натижасида маҳаллий ва тизимли гуморал иммун жавобнинг меъёрдан ортик кучайиши сурункали ТТК фонида презкламписия ривожланиши асосида ётган фундаментал механизмлардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ПЭ профилактикаси учун иммуносупрессорлардан фойдаланиш имкониятини кўриб чиқиш зарурлиги маълум бўлди. Шундай дори воситаси сифатида биз прогестеронни танладик, у иммуносупрессив таъсирга эга ва ҳомиладорликни сақлаб қолишда ва ёрдамчи репродуктив технологияларда кенг қўлланилади. Ўтказилган тадқиқотлар ва адабиётдаги маълумотлар асосида [Сельков С. А., Соколов Д. И..2010; Goldman-Wohl D, Yagel S.,2008] прогестерон етишмовчилиги ПЭ патогенезида алоҳида ўрин тутади деб ҳисоблаймиз. Бунда келиб чиқаётган прогестерон таъсиридаги блокловчи омилнинг

етишмовчилиги онанинг ҳомилалик тухумига иммун жавобига таъсир ўтказди. Иммун жавоб 1-турдаги Т-ёрдамчилар орқали яллиғланиш цитокинлари (TNF α , IL- 1, IL – 6, IL - 8) ишлаб чиқарилиши билан янада фаолроқ жавоб томонга сурилади.

Шундай қилиб, тизимли даражада яллиғланиш цитокинларининг меъёрдан ортиқ ишлаб чиқарилиши ҳақидаги олган маълумотларимиз онанинг ҳомила тухумига эндокрин тизиминининг қайта қурилиши ва ТТК асосида иммун жавобининг тўлиқ бўлмаганлигини кўрсатади, бу эса ПЭ ривожланишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Йўлдош бириккан жойда яллиғланиш цитокинларининг юқори даражада фаолланиши клиник НЖЙБК/муддатдан олдинги туғруқ билан намоён бўладиган аллотрансплантатнинг кўчиш хавфи сифатида қаралиши мумкин.

Юқорида келтирилган маълумотларлар сурункали ТТК бор ҳомиладор аёлларда – ПЭ ривожланиш хавфи бор гуруҳлар - ПЭ ривожланишини олдини олиш мақсадида микронизацияланган прогестеронни киритиш учун асос бўлди.

Ҳомиладорликнинг кечишида ва гормонал даволаш фонида прогестерон даражасини ўрганиш шуни кўрсатдики, энгил даражадаги ТТК бўлган ҳомиладор аёлларда ҳаттоки энгил ПЭ қўшилиб келганда ҳам прогестерон даражасининг 50 ва 25 пкмол/л дан 64-68 пкмол/л гача кўтарилиши юз беради. Профилактик иммуносупрессив гормонини олмаган ўрта оғир даражадаги ТТК ва оғир ПЭ бор ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликнинг 28-35 ҳафталик даврида қон зардобида прогестероннинг аниқ паст миқдори ва муддатига етмаган болаларнинг туғилиш сони юқорилиги (70%) қайд этилган, бу гормон олган ҳомиладорларнинг шундай кўрсаткичларидан 10 барабар юқори. Комплекс стандарт терапияда микронизацияланган прогестероннинг ёзиб берилиши энгил даражадаги ТТК бор ҳомиладор аёлларда ПЭ ривожланишининг олдини олишга, энгил даражадаги камқонлик билан ҳамроҳ бўлиб келган энгил ПЭ нинг жадаллашишини тўхтатишга (93,3% ҳолда) (OR=0, 07, RR=0,07) имкон беради ва муддатидан олдинги туғруқлар сонини камайтиради (6,7% гача) (OR=0,03, RR=0,10).

Юқорида айтилганларнинг барчаси сурункали темир танқислиги камқонлиги бўлган ҳомиладорларда преэклампсия профилактикаси учун микронлаштирилган прогестерон фойдаланишининг юқори самарадорлигидан далолат беради.

ХУЛОСА

1. Тиббий ёрдам бирламчи қисми маълумотларига кўра преэклампсия 17,5%, 3-даражадаги акушерлик стационари маълумотларига кўра эса 39,4% туғадиган ҳомиладорларнинг темир танқислиги камқонлиги фонидаги туғруқининг кечишини оғирлаштиради, бунда оғир преэклампсиянинг учраш сони камқонлик даражасининг ошиши билан кўпаяди: шунда камқонликнинг энгил даражаси бўлганда, бу патология 16,7% ҳомиладорларда, ўрта даражадаги камқонликда - 33,1% (OR=2,5, RR=2) ва оғир даражадаги камқонлик бўлганда- 48,2% (OR=5,4, RR=2,8) ҳомиладорларда учрайди.

Олинган маълумотлар ҳомиладорлардаги сурункали ТТК преэклампсия ривожланишининг хавф омилларига киритишга имкон берди.

2. Феррокинетик кўрсаткичларни аниқлашнинг натижалари текширилган ҳомиладорларда камқонликнинг келиб чиқишида темир етишмовчилигининг 3-оғир даражаси асосий ўринни эгаллайди, бу соматик яллиғланиш патология сабаби билан боғланган бўлиши мумкин. Камқонлик табиатини ташхис қилишда дифференциал маркер бўлиб ҳомиладорларнинг қонидаги ферритин миқдори хизмат қилди, у ТТК билан касалланган беморларни даволашда индивидуаллаштириш имконини берадиган.

3. Ҳомиладор аёлларда ўрта оғир даражадаги камқонлик тизимли ҳамда маҳаллий даражада энгил даражадаги анемияси бор аёлларнинг ўхшаш кўрсаткичларига нисбатан IL-1 β , IL-6, IL-8, TNF α ва лактоферрин концентрациясининг сезиларли даражада ошиши билан тавсифланди ($P < 0,05$). Темир танқислиги фонидаги преэклампсия тизимли ва кўп даражада йўлдош цитокин ихтисосининг (IL-1 β , IL-6, IL-8, TNF α) намойишли вазифалар бузилиши (манифестли дисфункцияси) билан ҳамроҳликда келди.

4. Яллиғланиш цитокинларининг тизимли ва маҳаллий даражадаги устунлиги онанинг темир танқислиги камқонлиги ва прогестерон етишмовчилиги фонида ҳомилалик тухум антигенларига тўлиқ бўлмаган иммун жавобини кўрсатди, бу преэклампсия ривожланишининг фундаментал сабаларидан бири ҳисобланиб преэклампсия ривожланишининг хавфи юқори бўлган ҳомиладорликда гестоген профилактикасининг янги стратегиясини асослаб беришга имкон берди.

5. Сурункали темир танқислиги камқонлиги бўлган аёлларда прогестерон ҳолатини нормаллаштириш туфайли 93,3% ҳолларда оғир преэклампсия ва муддатдан олдин туғиш ҳолатлари камайиши кузатилди, бундан она ва янги туғилган чақалоқ учун ижобий натижа келиб чиқди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 04/30.12.2019.ТІВ.29.01.ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ПЕДИАТРИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ИСМОИЛОВА ШОИРА ТОЛКУНОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ВЕДЕНИЯ БЕРЕМЕННЫХ, СТРАДАЮЩИХ
ЖЕЛЕЗОДЕФИЦИТНОЙ АНЕМИЕЙ И ПРЕЭКЛАМПСИЕЙ**

14.00.01 - Акушерство и гинекология

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/ТІВ813

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета www/tashpmi.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz

Научный руководитель: **Джаббарова Юлдуз Касымовна**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна**
доктор медицинских наук, профессор

Каримова Дэля Фахритдиновна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр акушерства и гинекологии министерства здравоохранения Республики Узбекистан**

Защита состоится «___» _____ 2020г в _____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте.(Адрес: 100140 г.Ташкент Юнусабадский район улица Богишамол 223. Тел./факс: (+99871)262-33-14, e-mail: mail@tashpmi/uz)

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирован за №_____) /Адрес 100140 г.Ташкент Юнусабадский район улица Богишамол, 223. Тел./факс: (+99871)262-33-14.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 года
(реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2020 года)

А.В. Алимов
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук,
профессор

К.Н. Хаитов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук, профессор

Д.И. Ахмедова
Председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одной из серьезнейших осложнений беременности является преэклампсия (ПЭ), которая регистрируется у 3% - 24% женщин и не имеет тенденции к снижению. В структуре причин материнской смертности ПЭ занимает ведущее место и является одной из основных причин перинатальной заболеваемости и смертности [Абдуллаева Н.К., 2014; Демченко О.Б., 2018]. ПЭ диагностируется у здоровых беременных от 6 до 12% и страдающих экстрагенитальной патологией – у 20-40% беременных [Ержан З.Е. и соавт., 2018] Из всех соматических заболеваний ПЭ у беременных чаще всего развивается при наличии железодефицитной анемии (ЖДА).

Во всем мире на протяжении многих лет ведутся всесторонние исследования по проблеме сложной патологии беременности - ПЭ. Регулярно рассматриваются экспертами ВОЗ классификация, аспекты лечения и диагностики данной акушерской нозологии. В последние годы наряду с другими причинно-следственными факторами в патогенезе ПЭ рассматривается роль иммунопатологических нарушений во взаимоотношениях организма матери и плода. На сегодняшний день, несмотря на проведенные многочисленные исследования, до конца не уточнен патогенез ПЭ. Проводится интенсивный поиск путей предупреждения развития изучаемой патологии и ее последствий. По мнению ряда авторов, выявление беременных с факторами высокого риска по развитию ПЭ и проведение эффективных превентивных вмешательств, несомненно, имеют большое медицинское и социальное значение [Ходжаева З.С. и соавт., 2018]. Всё это указывает на актуальность разработки новых способов профилактики изучаемой патологии.

В нашей стране, чтобы улучшить оказание медицинской помощи населению согласно Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан в 2017–2021 годы по пяти приоритетным направлениям утвержден комплекс мер, предусматривающих «... повышение удобства и качества оказания специализированной медицинской помощи, дальнейшую реформу его первичного звена, систему неотложной и скорой помощи, защиту материнства и детства...»³. К сожалению, несмотря на обилие работ, посвященных данной проблеме, в нашем регионе остаются до конца нерешенными вопросы патогенеза, терапии и профилактики сочетанного осложнения беременности ПЭ и ЖДА, хотя известно, что они в свою очередь обуславливают развитие целого ряда осложнений: недонашивание беременности, фетоплацентарную недостаточность, преждевременную отслойку плаценты и кровотечения после родоразрешения [Narayan B., 2016], а также повышение хирургических вмешательств.

Данное исследование способствует реализации целей, изложенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 8 ноября 2019 года № ПП-4513

³ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

